


5000000

ТОННА ПАХТА ТАЙЕР!



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 236 (5585). 30 ноябрь, 1975 йил ЯҚШАНБА Баҳоси 2 тийин.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга қ у т л о в л а р

Ўртоқ Л. И. Брежневга Ф. Жолмо Юри номидаги «Тинчлик олтин медали» берилиши муносабати билан социалистик мамлакатлар коммунистик партияларининг раҳбарларидан, партия ва давлат арбобларидан унинг номига табрик телеграммалари келиб турибди. ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР президенти Г. Гусак ЧССР партия-хукумат делегациясининг аъзолари номидан Леонид Ильич Брежневни самимий табриклайди. У Л. И. Брежнев тинчликни ҳимоя қилиш ишига катта ҳисса қўшганини, унинг кескинлиги юмшатиш учун, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун қурашда ҳармай-толмай куч-ғайрат сарфлаганини таъкидлайди.

ГБСР Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети номидан Л. И. Брежневни муборакбод қилди. Э. Хонеккернинг телеграммасида айтилганича, жаҳон тинчлик кенгашининг президиуми шу юксак мукофоти билан КПСС ва унинг Бош секретари ўтказиб келаётган изчил тинчлик сийсатига жаҳон тинчлик кенгаши, шунингдек Германия Демократик

Республикасининг халқи бераётган катта баҳосини ифодалади.

МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари Буюк халқ хурати президиумининг раиси Ю. Цеденбал Монголия Халқ Республикасининг коммунистлари ва меҳнаткашлари номидан ва шахсан ўз номидан Л. И. Брежневни табриклайди. Ленинчи ташқи сийсатининг муваффақияти ва КПСС билан Совет ҳукумати тинчлик, демократия ва социал-тараққиёт учун, тарихий тинчлик программасини бажариш учун изчил соҳибқадим кураши, дейилди телеграммада, Л. И. Брежневнинг кескинлиги юмшатиш жараёни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, турли иқтисодий тўғрисида давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини ўрнатиш ҳамда яппи хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида ҳармай-толмай куч-ғайрат сарфлаганини таъкидлади.

АҚШ Коммунистик партиясининг миллий раиси Генри Уинстон билан Бош секретари Гес Холл АҚШ Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Л. И. Брежневни табриклайди. Биз дейлади, уларнинг телеграммасида, сиз-

нинг тинчлик иши учун доимий ва изчил садоқатингиз эътирофи белгиси сифатида «Тинчлик олтин медали» билан мукофотланганлигингиз муносабати билан Америка Қўшма Штатларидаги ва дунёнинг ҳамма қисмларидаги миллион-миллион кишилар билан биргаликда муборакбод қиламиз. Сиз Совет Иттифоқининг тинчлик сийсатини амалга ошириш борасидаги ишлари гоёт муносиб равишда олиб бораёсиз. Биз КПСС XXIV съездида қилган докладыда ола сурилган тинчлик ҳужуми программасини амалга оширишни соҳибқадим ва самимият билан, астойдил ва матонат билан амалга оширишга аҳд қилганлигингиздан гоёт миннатдоримиз ва халқро вазиятни соғломлаштириш ишига қўшаётган улкан ҳиссангизни юксак даражада қадрлоймиз, дейлади телеграммада.

Экватор Коммунистик партиясининг Бош секретари Педро Саад Кипр Меҳнат халқ прогрессив партиясининг Бош секретари Э. Папановуни табриклайди.

Телеграммалар ҳамон келиб турибди.

(ТАСС).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 28 ноябрда Кремлда Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Ю. Шумаускасга Ленин ордени, «Ўроқ ва болға» олтин медали ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганини тўғрисидаги ёрлиқни топширди. М. Ю. Шумаускас Коммунистик партия ва совет давлати олдидagi катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан ана шу олий мукофотга сазовор бўлди.

Совет фанини ривожлантириш, илмий издрлар тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан академик И. И. Артоболевскийга Ленин ордени топширилди.

Мукофотланганлар ўз хизматлари тақдирланганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматида самимий ташаккур изҳор қилиб, бутун куч ва билимларини ватан бaxт-саодати йўлида сарфлайверамиз, деб айтдилар.

Н. В. Подгорний мукофотланганларни чин кўнгилдан табриклайди, уларга сийхт-саломатлик ва самарали иш-лашларини тўлайди.

(ТАСС).

ЧССР ПАРТИЯ- ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ЖУНАБ КЕТДИ

ЛЕНИНГРАД, 29 ноябрь. (ТАСС). ЧКП Марказий Комитетининг бош секретари, ЧССР Президенти Густав Гусак бошчилигидаги ЧССР партия-хукумат делегацияси бугун «Аврора» крейсери бориб кўриб, Нева соҳилидаги шаҳар билан таъинишни тугаллади. Хурматли меҳмон шарафига крейсер матчасида ЧССР давлат байроғи кўтарилди, палубада унинг экипажи саф тортиб турди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таълифига буюган расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ЧССР партия-хукумат делегацияси шу кунги ватанига жунаб кетди.

МУЛ ҲОСИЛ

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ бу йил самарали меҳнат қилдилар. Баҳор қийинчиликлари, сув танқисликлари меҳнат ва ғайрат билан енгиб, даладарда мўл ҳосил тўшладилар.

Пахта йиғим-терими ҳам уюшқоқлик билан олиб борилди. Совхозимиздаги ҳар бир бўлим, бригада даладарда терим машиналарининг иши группа усулида ташкил этилди. Меҳанизатор ва теримчиларга зарур шарт-шароит яратилди. Натигада кўнлик сурат ортиди. Давлат плани қисқа муддатда ошириб бажарилди.

Бўлимимиз пахтакорлари ҳам йиғим-терим даврини намунали ўтказиб, 600 гектар майдондаги ҳосилни тезроқ йиғиб териб олиш учун курашдилар. 14 та «зангори кема» пахтазорларда тинимсиз жавлон урди. Ҳар кунги терим машиналари бунеридан ўртача 8—10 тоннадан пахта тўкилди. Азамат меҳанизаторларимиз техникадан самарали фойдаланиб, давлатга мўл ва сифатли пахта топширишни таъминладилар.

Т. АБДУҚОДИРОВ, Пискент районидagi 2-«Пискент» совхозининг бўлим бошлиғи.

ПАХТА—ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШ-
НИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ
29 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЎМУМОТ

(Халқ ҳўжалик планига нисбатан процент ҳисобийда)
Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Юқори Чирчиқ	—	132,14	—	132,44
Куйи Чирчиқ	0,21	131,93	—	130,08
Янгийул	0,10	124,84	—	115,42
Оққўрғон	0,22	116,29	0,05	106,93
Пилос	0,14	115,23	0,22	132,76
Бўёқ	0,17	114,44	—	112,01
Бекобод	0,15	112,77	—	105,75
Пискент	0,04	105,79	—	93,69
Ўрта Чирчиқ	0,03	105,31	—	100,96
Область бўйича	0,17	116,03	0,02	112,29

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Оржоникидзе район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

С. И. Стряжнев бошқанига ўтганлиги учун пленум уни район партия ко-

митетининг иккинчи секретари вазифасидан ва бюро аъзолигидан озод қилди.

В. С. Урдов район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.





Ю К С А К УЮШҚОҚЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 5 миллион тонналик улкан хирмон кўтарилади шу улуғ айёмда пахтакорлик касбининг улуғлаб, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган қалби пок, марду-майдон пахтакорларимизни чин қўлдан самияий табриклишимиз.

Бундай улкан жаррани эгаллаш бу йилги шароитда осон бўлмади. Баҳорги қуруқчилик, куздаги ёғингаринликлар пахтакорларга кўтилмаган қийинчиликларни келтириб чиқарди. Аммо, ўзбек халқи мардонавор меҳнат қилиб, юксак маррани эгаллади.

Районимиз пахтакорлари ҳақ ҳўжалик планига кўра ҳар гектар майдондан 28,8 центнердан ҳосил олиб, давлатга 32300 тонна пахта етказиб беришлари керак эди. Лекин ҳалол колхозчиларимиз эса ҳозиргача ҳар гектар майдондан 35,47 центнердан «оқ олтин» еттиштириб жамъи 40200 тонна пахта сотдилар. Ҳосилдорлик ҳақ ҳўжалик планидан белгиланганидан 4,77, қатъий планга нисбатан 8,57 центнер ошди. Умуман, бу йил пахта ҳосилдорлиги 1974 йилга нисбатан 1,09 центнерга кўтарилди.

Районимизда пахта ҳосилдорлигининг ошиб боришига илгор ҳўжалик пахтакорлари мубосиба ҳисса қўшмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Маҳмуд Исмаилов раислик қилаётган «Коммунизм» колхозини ҳар гектар майдондан 49,59 центнердан пахта топиштириб, районда энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фозил Маданият, раислик қилаётган Назарали Нисозов номли, Юсуф Толипов раислик қилаётган «Ленин» колхозлари пахтакорлари бу йил ҳар гектар майдондан 40,05, 38,91 центнердан ҳосил олиб, илгорлар сафида бормоқдалар. Умуман, райондаги ўнта пахтакор ҳўжаликлари олти тасидан ҳосилдорлик 35 центнердан юқори бўлди.

Биз 8000 гектардан кўпроқ ерда уруғлик пахта еттиштирамиз. Азамат пахтакорларимиз 11385 ўринга 11700 тонна сара уруғ пахта топиштирдилар ва бу соҳадаги планни ҳам ошириб адо этдилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг якуловчи йилида, КПСС XXV съезди олди социалистик мубосабасига қўйилган меҳнаткашларимиз ама шундай натижаларга эришдилар. Айниқса, район пахтачиллик Совети аъзоларининг масъалалари яхши натижалар берди. «Коммунизм» ва Назарали Нисозов номли колхозларда охи-ҳаво шароити тўғрисида ҳисоб олиниб, ўз вақтида чигит суви қўйиб, уруғни ундириб олиш учун бошланган ҳаракат ҳамма ҳўжаликларда амалга оширилди. Бу ҳўжаликларда 9 апрелдан чигит суви берилди бошланди.

Ўзга парварини даврида Ленин номли, Ҳамроқу Турсунқулов номли колхозларнинг агротехника тадбирларини район партия комитети маъқуллаб ҳам-

ма ҳўжаликлари тавсия қилди. «Интернационал» колхозининг машина билан энг кўп пахта териш тадбирларини область партия комитети маъқуллади.

Район ва шаҳар меҳнаткашлари пахта терими энг масъулиятли, жанговар вазифа эканини яхши англаб пахтакорларимизга астойдил ёрдам бердилар. Ишчи кучларини йигим-теримга тўла сафарбар этиш учун махсус штаб ташкил этилди. Штаб ҳўжаликларида ишчи кучларидан қандай фойдаланилаётганини доимий равишда текшириб бордин ва район партия комитетига ҳисоб бериб турди.

Терим даврида маданий-маиший хизмат ҳар тарафлама кучайтирилди. Илгор ҳўжаликлари, механизаторлар, теримчилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилди. Пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилди. Социалистик мубосабга авж олдирилди.

Йил бошида ҳўжаликларда 40—50 центнерчилар ҳаракати зўр кўчол эди. Район партия комитети бу ижобий ҳаракатни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади. Бу ҳаракат ташаббускорларининг ишлари колхозчилар ўртасида кенг пропанданда қилинди.

Оқибатда юқори ҳосил еттиштириш учун бўлган ҳаракат кенгайди. Барча ҳўжаликларда 124 та бригада бор. Шуллардан 40 дан ошми бригадалар аъзолари ҳар гектар майдондан 40 центнердан 53,5 центнергача ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Масалан, «Коммунизм» колхозининг И. Икромов, М. Серикбоев, Т. Эрматов ўртоқлар бошлиқ бригадалари гектаридан 53,5, 53,2 ва 53 центнердан ҳосил олиб энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу колхоздаги ўнта бригадада гектаридан олинган ҳосил 48 центнердан юқори бўлди.

Қирғизлик центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, 5027 гектар майдонда пахта еттиштирган 57 бригада аъзолари район даражасидан юқори ҳосил олиб, пешқадам бўлдилар.

Район ҳўжаликларида тўққизинчи беш йиллик планни ҳамма соҳалар бўйича олиши билан бахирлиди. Лекин ишимизда бир талай камчиликлар, фойдаланилмаётган резервлар бор. Масалан, ҳўжаликлардаги 124 та бригаданинг 67 тасида ҳосилдорлик район даражасидан паст бўлди.

Районимизда эришилган дастлабни ютуқлар кўп жиҳатдан олимлар билан ҳамкорликда иш олиб борилган туфайли қўлга киритилмоқда. Олимлар, айрим илмий ташкилотлар, бизга яқиндан амалий ёрдам бермоқдалар. Шунинг учун Янгйўл «Тошкент» нава пахтаининг илмий лабораторияси бўлиб қолди.

Яйинда районимиздаги илмий ташкилотлар янги ташаббус билан чиқдилар. Ҳосилдорлик паст, ёввойи ўт сероб «Партия» XXI съезди, Калинин номли, «Интернационал», Икданов номли колхозларини отаниққа олдилар. САИМИ, САМСИ, ГОСНИТИ Ўрта Осиё филиали каби илмий ташкилотларнинг бу яхши ташаббусларини район партия комитети маъқуллади.

Районимиз меҳнаткашлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб янги марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар.

А. АЛИМОВ,
Янгйўл район партия комитетининг биринчи секретари.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ
ҚАҲРАМОНЛАРИ.
[чавдан]
Хаан Ман Гим [«Политотдел» колхозини], Турсун Охунова [Киров номли колхоз], Маҳмуд Исмаилов [«Коммунизм» колхозини].

ЭЛЛИК ЦЕНТЕР УЧУН

Йигим-терим тугаб, социалистик мажбуриятимизни бажарган кунимиз бригадамиз дала шийлоида йилгиш ўтказилди.

Шу ерда бу йилги ишимизга, беш йиллик натижаларига назар ташланди. Қўзга киритилган ютуқларимиз ҳаммаимизни қувонтирди. Негаки, беш йиллик бошланганидан бир йил илгари гектаридан 18 центнердан ҳосил олган эканми. Бу йил эса топишган пахтаимиз гектарига 38 центнерданга тўғри келди.

Бригадамиз аъзолари «ўтган йил амалга оширилган тадбирларини, агар ундан олдинги йилларда ҳам қўллаганларидан эди ишимиз натижаси яна ҳам яхши бўларди», деган ҳулосага келдилар. Чунки, беш йилликнинг уч йили давомида биз гўза ўстиришда олдинги схемалардан фойдаланиб келган эдик. Яъни чигитни 60х45 сантиметр қи-

либ экардик. Кейинги икки йил давомида 90—7 сантиметр усулда чигит экаётганимиз учун кўчат қалинлиги олдингига қараганда икки ҳисса кўп бўлмоқда ва шунга яраша юқори ҳосил етиштирилмоқда.

Бригадамизда 81 гектар пахта майдони бор. Ҳаммамиз 41 кишимиз. Ана шу кичик коллектив аҳли бўлиб меҳнат қилаётганлиги учун йил сайни ишимиз натижаси яхши бўлмоқда. Ҳар бир колхозчин ва механизатор планни, мажбуриятини бажаришга ўзининг ҳиссасини қўшиш мақсадида эрта кўзламдан то кеч кузгача астойдил меҳнат қилди. Берилган топишриқни доимо ошириб бажариш учун курашди.

Биз тўққизинчи беш йилликда бригадамизда ҳосилдорлигини 18 дан 38 центнерга кўтарган эканми, ўзининг беш йилликда бу ҳаракатимизни давои эътираниз ва 50 центнерлик маррани эгаллаш учун астойдил курашганимиз.

А. ЭСОНБОВЕВ,
Бўна районидagi «Ленин» колхозининг механизатор-эвено бошлиғи.

С. БОТИРОВ,
шу колхоз сувчиси.



Суратда: Хайри АЛИМБЕКОВА, Янгйўл районидagi Фрунзе номли колхозининг моҳир механизатори.

ОФАРИН СИЗГА,


Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон халқ
эвулчиси.

ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Тўққизинчи беш йилликнинг якуловчи йилини меҳнатда улкан ютуқлар билан кўтиб олиш учун, жоножон партияимизнинг XXV съездида мубосиба совғалар тайёрлаш ва эрта юз билан бориш учун фидокор халқимиз олдида юксак доvon турар эди. Қаҳрамонна меҳнат қилган пахтакорларимиз бу катта синов ва улкан доvonдан шараф билан ўтдилар.

Албатта, буга осонликча эришилгани йўқ. Айниқса, бу йилги баҳор ишчиларлари, суз камчилиги деҳқонларини ташинига солиб қўйди. Улар кундузини кундуз, кечани кеча демая, ғайрат камарини белларига маҳкам боғлаган ҳолда тер тўқидилар. Тўққан манглай терларини дур қилиб ундирдилар. Лекин олдинги қийинчиликлар устига устак бўлиб, куз ҳам оғир келди. Ҳали пахтаини териб улгурилмаган далаларини қор босиб қолди. Барибир, барча қийинчиликларини енган пахтакорларимиз ўз ватдаларининг устидан чиқдилар.

5 миллион тонна! Мана шу маррага етиш учун, ие не қийинчиликлар билан етиштирилган ҳосилни сунги граммигача териб олиш учун «зангори кема» капитанлари ва пахтакорларимиз фидокорона меҳнат қилдилар. Уларгина эмас, ишчи ва хизматчилар, студент ва ўқувчилар, қолаверса бутун ўзбек халқи деҳқонларимизга мададкор бўлди. Помир тоғлариди юксакларга ўрлаган ана шу 5 миллион тонналик «оқ олтин» тоғидан ўзбек халқининг Ватанга бўлган меҳру-муҳаббатини, партия ва ҳўкуматимизга берган ваъдасига садоқатини акс этиб туртиши.



Республикамизнинг 5 ми ллон тонналик улкан «оқ олтин» тоғи қад кўтариб туртиши. Уни миришкор пахтакорлар, моҳир механизаторлар ўзларининг бунёдкорлик меҳнатлари, ғайрат-ши жоатлари билан барпо этишди. Суратда: пахта пунктининг умумий кўриниши.

А. Абалин фотолари.

ҚУТЛАЙМИЗ

Республикамиз «оқ олтин» хирмон 5 миллион тоннага олди! Офарин, азамат пахтакорлар! Сизнинг бу улкан талабаниз биз тўққизинчи беш йилликнинг ҳам бениҳоя мамнуни этди. Чунки, тўққизинчи беш йилликнинг ҳам бениҳоя мамнуни таъсир этиб бўлмади. Эрта баҳордан то кеч кузгача далада фидокорона меҳнат қилиб етиштирган пахтаимиздан биз олуртимиз учун газламалар тўқимиз. Комбинатимиз наинки республикада, балки Иттифоқ миқёсида йрик корхоналардан бири ҳисобланади. Суткасига 600—700 минг метр газлама тўқиб чиқаритимиз.

Тўққизинчи беш йилликнинг якуловчи йилида Социалистик мубосабани яна да авж олдириб меҳнат қилаётган ҳаммасларини КПСС XXV съездини мубосиба меҳнат армуғини билан кўтиб олишга ҳаракат қилишга, Шахсан ўзим нормадан 24 ўринга 48 та станокни бошқариб, пландан ташқари юзлаб метр газлама тўқиман. Партияимизнинг навбатдаги съезди очилганда кунгача ўзининг беш йилликнинг биринчи квартал планини муваффақиятли бажариш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этияман. Айни шу долзарб кунларда «Сиз «оқ олтин» бунёдкорларининг эришган талабаниз мени ва дувоналаримни беҳад мамнуни этди. Ҳорманг энди, азиз пахтакорлар!

Дилбар ҚУЛИМТОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

ҚОЙИЛ

Беш миллионлик тоғдай улкан хирмон уйланган шу фойдали кунда моҳир эвулчи механизатор, ўқитувчи инженер, шифокор маданият ходими — ҳамма-ҳаммаимиз шодимиз! Дарҳақиқат, олтин зарҳал билан битилган беш миллионли ракам ўзини кўз-кўз қилиб, дилларга қувонч бахш этаётган, фахримизга фахр қўшаётган.

Биз илм-фан соҳиблари ҳам азамат пахтакорлар билан доимо ҳамкоримиз. Айниқса, селекционер олимлар «оқ олтин» миришкорлари билан бамаслаҳат иш тутиб, янги нава ҳосил қилишда, пахта талабини пишиқ ва сифатли бўлишида, ҳосилдорлигини оширишда — бир мақсад бўлиди жиддий изланмоқдалар. Қисқаси, пахтачиллик фаннинг турли соҳалари учун муҳим тадқиқот объекти бўлиб қолди.

Беш миллионлик «оқ олтин» хирмонини уйган лабзи-ҳалол миришкор пахтакорлар, улкан зафарингиз муборак бўлсин!

И. ҲАМРОБОВЕВ,
Ленин мукофоти лауреати.



Суратда: Утан ҚАРШИБОВЕВ, Бекобод районидagi Ойбек номли совхозининг бригада бошлиғи, Ленин ва Ҳўрмат белгиси орденлари кавалери.

«Зангори кема»ларимиз пахтакор деҳқонларини оғир қўл меҳнатидан озод этди, терим суръатини беҳисс даражада юксаттирди. Яқин-яқингача декабрь-январ ойларида ҳам даладан бери келмаган пахтакор ҳозирги кунда беш-ўн иш кунинда пахта топиштириш йиллик планларини ўринлатиб қўяпти. Бу, албатта, техника шарофатидан.

Кўни кеча коллективимизга учинчи квартал социалистик мубосабасига якунлари бўйича биринчи ўрин берилганлиги эълон қилинди ва Тошкент шаҳар партия комитети, ижроия комитети, область касабасоюзлари Совети ва шаҳар комсомол комитетининг Қўзма Қизил байроғи топирилди. Мукофот коллективимиз ишчи-хизматчиларини янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсам, тўққизинчи беш йилликнинг ҳар бир йили ўсиш, улғайиш йиллари бўлганлигини кўрамиз. Жумладан, якуловчи йилнинг тўққиз ойида маҳсулот реализация қилиш планини 100,6 процентга бажарилди. Панданга 45700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 109,8 процентни ташкил этди. Тўққиз ой мобайнида пландаги 5730 ўринга 5772 та терим агрегатлари беш конвейердан тушди. Шундан 1002 таси 17ХВ—1,85, 3124 таси 14ХВ—2,4А маркали машиналардир. Шунингдек, пахтакорлар ҳўрма-

тини қозongan «ХН—3,6» маркали «Ўзбекистон» терим агрегатларидан 1574 таси пахтазорларга қўл олди.

Машиналар ишлаб чиқариш билан бирга уларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳаммаимизни ошқириб борилмоқда. Тўққиз ой мобайнида эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш плани 103,6 процент бажарилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 110,7 процент, демакдир. Беш йилликнинг тўрт йилу тўққиз ойи мобайнида пландан ташқари жами 4,6

миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундай зафарларга асосан техника тараққийини жадаллаштириш ҳисобига эришилмоқда. Жумладан, қуёв чехида барча операцияларини механизациялаштириш ишлари тугатилди. 14-чехда шпинделларга механизм ва термостатик ишлов беришнинг янги жараёни ўрнатилди. Шунингдек, эскирган ускуналарни янгиликлар билан алмаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Утган давр ичидан завод чехларидан 450 та янги ускуналар ўрнатилди. Булардан 10 процентини автомат ва

ярим автомат ускуналар эканлиги таъкидламоқда.

Пахтакорлар билан бевосита алоқа боғлаш ютуқларини олиб бўлмади. Уларнинг фикри ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда зангори кема»ларнинг кўпгина қисмлари ўзгартирилди, тақомиллаштирилди. Завод ҳўзурида механизаторлар маляисанин ошириш курси мунтазам ишлаб турипти. Курсда барча пахтакор республикалардан келган механизаторлар ва ремонтчиларнинг ташқари маляисалари

ни оширишди. Бу йил терим мавсумида пландаги 200 ўринга 450 механизатор курсда малака оширди. Терим мавсуми арафасида Жиззах области Пахтакор районидagi Кичанов номли совхозининг моҳир механизатори Аҳмаджон Валиев «Ўзбекистон» агрегатини заводимиздан ўзи ҳайдаб олиб чиқди. Таъинли механизаторларнинг «ташсильмаш» зангори кема»ли ўзлари миниб олиб кетишлари аниқана тусига кириб боришти. Утган йили Куваондик Абдуразақов ва Акаука Шодиевлар «зангори кема»ларини миниб кетишган

эди. Бунинг афзал томонини шундаки, улар бевосита ана шу машинани йиғишда иштирок этадилар, ўз фикри ва мулоҳазаларини билдирадилар.

Корхонамизда кейинги йилларда янги маркали агрегатларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда бир қатор қувончи ютуқларга эришилди. Жумладан, «НЮ—75» машинасида 550 та таёёрланди. Бу машиналар илгичка толани пахтаини теришга мўлжалланган бўлиб, ҳозирча таърибга нусхалари ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабни нусхалар Сурхондарё, Қашқадар, Бухоро областлари пахтазорларида уюмлаи ишляпти. Шунингдек, илгичка толани пахтаини теридиған «ХВН—1,2А» маркали машиналарини ҳам мунтазам равишда бақолашди. Булар «НЮ—75»дан тақомиллаштирилган модернизациясиз билан фирка қилди — Бункер ёни пахтаини хас-чўплардан тозаловчи мослама ўрнатишган.

Шунингдек, составли шпинделларга эга бўлган «ХН—3,6» маркали машиналардан 24 та

тажриба нусхаси ишлаб чиқарилди. Бу агрегатлар олимлар Халим Усмоиҳуаева ва Кўркмас Иноғомовларининг олиб борган самарали тадқиқотлари натижасида бунёдга келди. Афзал томонини шундаки, шпинделлар деформация ҳисобига ўз-ўзини қўқ мессадан тозалайди. Маълумки, терим даврида шпинделларини ана шу мессадан тозалашга муҳто кўп вақт ва меҳнат талаб қилинади.

Терим мавсумида республикамиз областларида кўма лутучалар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Инженерлар, слесарлар ва ремонтчилардан ташкил топган 6 та ана шундай лутучалар бевосита пахта майдонларида «зангори кема»ларга техника хизмати кўрсатмоқда. Бундан ташқари, улар жойлардаги механизаторларга ва консультациялар берадилар. Уларга терим агрегатларини тез ва сифатли ремонт қилиш усулларини ўргатадилар. Шунингдек, «зангори кема»ларнинг терим жараёнидаги айрим камчиликларини ўрганиб қайтадилар.

Машинасозларимиз республикамизнинг 5 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга мубосиба ҳисса қўшаётганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

С. ТОЖИЕВ,
«Ташсильмаш» заводи партия комитетининг секретари.



Суратда: Санд ИБРОХИМОВ. Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Совхозимиз беш йиллик тошхирликнинг муддатидан илгари ошириб бажарди. Давлатга пахта, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топириш пилани тўрт ярим йилда зиядаси билан бажарилди. Ана шу муддат мобайнида планда белгиланган 64 минг ўрнига 72 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» давлатга етказиб берилди.

Пахтачиликдаги муваффақиятларга дала ишларини комплекс механизациялаш, химиялаштириш ва илгор тажрибани кенг ёйиш хисобига эришилмоқда. Беш йилликнинг якуловчи йилида ҳам пахтачилик соҳасидаги ишлар чакки бўлмади. Ҳар гектар ердан планда белгиланган 32,5 центнер ўрнига 43 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Давлатга 12400 тонна ўрнига 17 минг тоннадан ортиқ пахта топирилди. Ҳосилнинг 90 проценти «зағирон кема»лар ердамида терилди.

Пахта йигим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, асосий эътиборни терим машиналари иш уюмдорлигини оширишга қаратилди. Шунинг учун ҳам давлатга пахта сотиш йиллик пилани ўн икки иш кунинда ошириб бажарилди. Ҳар бир машина билан 150 тоннадан ортиқ пахта териб олинди.

Машина терими группа усулида ташкил этилганлиги меҳ-

нат уюмдорлигини оширишга катта ердам берди. Ҳар бир зено пахта даласида уч, тўрттадан терим агрегати ишлади. Уларга техник хизмат кўрсатиш, механизаторларга маданий-маиший шароит яратиб бериш яхши йўлга қўйилди. Натижада ҳар кунини йиллик пиланинг 9—10 проценти миқдорда пахта тайёрландилар.

Ҳосил учун кураш эрта бажарилди. Кафтерек текисланган ерларга янги чигит экиш сеялкаси ердамида

МАШИНАЛАР КУДРАТИ

уруғ ташланди. Янги сеялканинг афзаллиги шундаки, чигитлар бир қаторга ва аниқ уяларга ташланади. Узиб чиққан кўчатларнинг озикланиши яхши бўлади. Шунингдек, ерга фақат аъло сифатли чигит экилади.

Тўлиқ гектарлар учун кураш ҳам ҳосилдорликка иккибўй таъсир кўрсатди. Биз бу йил ҳар гектар ерда ўртача 116—120 минг кўчат сақлаб қолдик. Базми бўлим ва бригадаларда ўртача 135—140 минг

кўчат сақлаб қолдик. Бу бўлимларда ҳосилдорлик 45—46 центнерни ташкил этди.

Пахтачиликда механизацияга кенг ўрин берилмоқда. Хўжалигимизда бу йилдан бошлаб механизация ердамида сугориш йўлга қўйилди. Мустафо Чачи номли бўлимда 605 гектар майдон шланглар ердамида сугорилди. Бунда беш, олти сувчининг ишини бир сувчи бажаради ва сувдан тегиб-тергаб фойдаланиш, қа-

олтини йиғиб олдилар. Халил Жапеш, Эскандер Катаманов, Абдор Бурхонов бошлиқ бўлим пахтакорлари ҳам 42—44 центнердан пахта топиридилар.

Совхозимизда илгор бригадалар ва зенолар сонни кўп. Улар ҳар гектар ердан 45—50 центнердан пахта олдилар. Мустафо Патош, Ридван Давлетов, Ҳабибулла Ғафуров, Анифа Алчиқова бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 46—55 центнерданга тўғри келди. СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвар Алиев бошлиқ зено пахтакорлари ҳар гектар ердан 55 центнердан «оқ олтин» йиғиб олдилар. Абдусаттор Сулаймонов бошлиқ зенода ҳосилдорлик 51 центнерга етказилди.

Пахтадан юқори ҳосил етиштириш хисобига хўжалигимиз олаётган соф даромад кўпаймоқда. Бу йил планда белгиланган 3 миллион сўм ўрнига 4,5 миллион сўмдан ортиқ соф даромадга эга бўлди. Ана шу даромаднинг 1 миллион 200 минг сўмдан ортиғи пландан ташқари топирилган пахта учун берилди.

С. ЗОКИРОВ, Қўйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон СССР беш йиллиги» совхозининг директори.

ПАХЛА ВОНЛАР СУХБАТИ

Такдўзи дўппи кийган тоғ чўққиси қуёшга кўяларини товлата, исинди. Бадағинга иссиқ югурган териллаб, танаси ором олгандай бўлди. У қоматини аста буюки водийга назар ташлади. Қарадўй, кўзларига ишонмай қолди. Қаршида, пасти-текисликни ёриб кўка буй чўзиб турган яна бир чўққи баҳодирона қоматини адл тутиб, қуёш нурида товланиб турарди. Унга тикилиб туриб, тоғ чўққисининг кўзи жингиллаб кетди:

— Хой, хой ким бўласан. Қайси тоққа мансубсан!...

Водийни гўмбурлаган овоз босиб кетди. У оқ чўққига етиб келиб, яна ҳам баландроқ жаранглади, тоғ чўққисига қайтиб, бориб уриди. Орадан сал ўтмай, оқ чўққ ким садо чиқарди.

— Хой, хой, гердаган тоғ чўққиси, эшит ва анигла! Мен одамзод фарзанди барпо этган чўққи бўламан. Қани, сўзла, не ниятдасан!

— Одамзод фарзандиман, дедингми? Мен бу олий зот олдига бош эгмаман. Энди меннинг ичим бўласан, ўғлон.

Бу мактос оқ чўққига ёниб тушди, шеккилли, у яраб-яшаб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Икки аёл қомат баҳодирлар ўртасида суҳбат бошланди.

— Мен сени яратувчининг — одамзоднинг ишларига қўмқлашиб тураман, — деди тоғ чўққиси гулдираб. — Қиш бўйи елкамда қор уюмларини кўтариб тураман. Қўлим кирди, дегунча қуёшга талпинаман. Шунда тер томилирини жипгалаarga айланб, дарё, каналларини тўлдирди. Инсон уни даладар бағрига бошлаб боради. Мен шуларнинг ҳаммасини кўриб, қувонаман, ярайман. Инсон фарзанди ҳам кўли чакқон ҳаракат қилади, одими тезлашади. Мен буларнинг ҳаммасини кўриб тураман...

Оқ чўққи силкиниб, кўрагини гоз тутиб, унга миннотдорчилик назор этади:

— Раҳмат, пахлавон оға, сен меннинг унинг-ўшшимда доимо кўмакдошсан, ҳамнафассан!

Тоғ чўққиси бу мактосдан шундоқ қаҳ қаҳ отиди, кенг оғизга келгандай бўлди:

— Балли, ичим! Сени ҳали чигит ҳолида тупроққа қалашиб, намдан озуқ эмиб ташланасан. Ана шунда обидат сенга дериш бўлади, илди қалаб унасан, қуёшга итиласан, кўш алалаб ўс-тиради, сув кўмакдош бўлади. Шунда мойи туста кирасан. Бу жамолнинг кўриб, яраб кетаман.

Икки чўққи суҳбати тоғда бошланиб, оқшомда поёнига етди. Тоғ чўққиси ҳайрлангандай дил тубидаги ниятини рўйи-рост айтди:

— Қадардон ичим! Қаддинг буқилмасин, бўйингга-буй қўйилмасин. Сен билан меннинг ўртасида обидат қўмушдан алоқа ичи тортилган. Зарур бўлганда хизмат айтиб тайарман. Одамларга мендан салом айти. Бағримдаги ҳар томи сув унинг хизмати йўлга ҳаддир. Келгуси йил кўламида кўришгунча заир, омон бўл!

— Эй, саҳий, қалб тоғ чўққиси, ташаккурларим ёдуси сенга бўлсин. Сандинг кўпроқ обидат тўплайвер, янги либос кийган водийлар сени кўтлайверсин. Омон бўл!

Бир зумда ҳаммаёқ жингил қолди. Тагдўзи дўппи кийган тоғ чўққиси мударб туриб тушди, кўрагини елкасига тортиди. Оқ чўққи эса қомат кериб, водийга нур сочиб турарди...

Оқ чўққи тизмаларига назар ташлайман. Улар омондор пахлавонлар бўлиб, ҳали елкалари ер искаматини.

Янгибозорли полвон хипчадан келган, мускуллари ўйнаб кучга тўлган ҳолда оппоқ юзларини қуёшга товлата жиддий турарди. У маррага биринчи етиб келгангидан бахтиёр эди.

Янгибозорли норғул йигитнинг ҳаракати ҳар йили чакқон, иши унумли. Техникани астойдил қўлга олганлигидан шундай бўлди. таъкидлади у. — Одимни тезлиги, қоматим бардамлиги шу машина кудратидан.

Чирчиқ дарёси қўйи томонидан кучан овоз эшитилди.

— Галинг маъқул, дўстим!

Янгибозорли пахлавон ўша томонга назар ташлайди. Икки ботир кўл олиб сўрашадилар. Чирчиқ дарёси қирғоқлари уларни олиқлаб турарди. Уларнинг шу пайтда ёнимен, кучга тўлиб туришлари икки оқ тулпорнинг гижинглаб олға итилишига ўхшарди.

Чирчиқ дарёсининг ўрта ерларида етишиб чиққан, буй-бести бу икки пахлавондан баландроқ полвон ён қўшилари билан салом-алик қилиб олган ўз сўзини айтди.

— Ҳаммамиз юрт хизматидаммиз, оғайнилар. Бутун ботир бизга кўз тикиб туради, одимини қандай ташларини, елкасиди юқини манзилга қандай элтаркин, деб. Тўғри, мен бироз ҳаяллаб қолдим, лекин маррага муддатидан бурун етиб

келдим. Юқин, ҳар қалай оғир бўлса ҳам, овгим чалишиб кўтариб турибман, янги курашга тайёрман.

Бу сўзлардан Чирчиқ дарёсининг мойи суви тўлқин уриб, қирғоқлардан бўса олди. Ҳамсояси Охангарон дарёси томондан нидо эшитилди:

— Хо, уч оғайни ботирлар, саломлар бўлсин сизларга! Қани, биз томонга марҳамат, бир пилла чойимиз бор!

— Ия, бу Оққўрғон полвоникун, — деди уч оғайни ботирлардан бири...

— Қалай, соғ-омон бормисан, биродар? — дейишди улар олдинма-кейин гулдирашиб. — Узинг биз томонга ўт, бир гурун лашамиз...

— Балли, дўстлар, байрам кунлари кўришиб қоламиз.

Оққўрғон полвон чап елкасиди юқини, ўнг елкасига олиб бир дам хордиқ чиқарган бўлди. У улкан мангилдайдиган тер маржонларини бармоқлари билан сидириб, яна қаддини ростлади. Бу пайт унинг бўйи яна баландга кўтарилгандай бўлди. Елкалари кенгайди. Унинг ана шу ҳаракати шундай ҳам вақтинча тоши ёнига яна тош қўшаётган баҳодирни эслатарди.

Оққўрғон полвон ҳаракат қилиб, ўзини курашга ростлаётганда, узондан наъра саъи эшитилди. У овоз чиққан томонга қаради. Бўйини чўзиб, кўяларини пешонаси устига қўйиб, кун чиқар томонга назар ташлади:

— Э, ҳа, қўшим Бўка полвон экан-ку! Қалай, сиҳатларинг яхшимми?

— Раҳмат оға, уларлар ҳам яхши юрибдиларми!

— Ҳар қалай чакки эмас...

Бўка полвон оғасига сўз қотди:

— Бировдан олдин, бировдан кейин манзилга етиб келдим. Оғир-еңгилга чидаган чиримас, деган гап бор, бизнинг турманда. Мақсадим оқда қолмаслик эди, ниятимга эришдим. Елкамдаги юк учча оғир эмас, олтимиз минг тоннадан анча ошмоқчи эди-ю, тўғри келмай қолди-да. Аммо, шу манзилга чиқагунча қўймайман, оға...

— Мен ҳам армонда қолдим, — деди Бекобод полвон шамолли гулдираб, — олтимиз етти мингдан ошмоқчи эдим, етишмай қолди. Бу йил бўлмас янаги йил...

— Балли, ўғлон! Йигит сўзидан, қўлбарс изидан қайтмайди, дейди халқимиз...

Бу сўзлар телефон симлирини силкитиб ўйнаб, ана олаётган эшитилди. У Янгибўйи полвон овози эди:

— Юртимизнинг аъли пойтахти Тошкент шаҳри қўшини бўламан. Қаддим ҳаммаша расо, қўлимни қасқақа чўсам, етади. Пилани от қилиб, миниб олган бўлсам ҳам, мажбуринг тулпори тутқич бермапти. Билмадим, оти кейинроқ қамчилмадики, яна баландроқ маррага етолмай турирман. Ажаб эмас, буғун-эрта етиб олам, ноумид шайтон!

Бекобод полвон билан Янгибўйи полвон суҳбатлашиб туришганда тоғ томондан гўмбурлаган овоз эшитилди. Бу товуш Охангарон ва Чирчиқ дарёларини кесиб ўтиб, Тўғайга оша етиб келган эди. У Пискент полвонни овози жарангга бўлиб, бошқалар эътиборини ўзига тортиди.

— Ҳорманглар, юрт пахлавонларини! Биз ҳам сизнинг сафингиздаммиз. Буғунги тўйларингиз муборак. Дехқонларимиз сув келса шийириб, ўт келса ўчириб, тошлоқларда, қўмлоқларда, сувсизлик азобида бардош бериб, мана буғун натижада қадимизни ростлаб турибмиз. Албатта, бўйимиз бундан ҳам баландроқ бўларди, лекин вақти-соатида ҳаракатимиз сустроқ бўлиб қолди, дейманда, мўлжалланган юксак чўққига сал етолмай қолдик. Бирок, кўзлаган жойга етмай, қўймаймиз.

Суҳбат авжига чиқканда Сирдарё қирғоқларидан яна бир навигорон пахлавоннинг хушовози эшитилди. Даврага Чиноз полвон келиб қўшилди:

— Эй, акахонлар! Ҳорманглар, энди!

— Балли, кенжа полвон, — деди оқ соқолли Оққўрғон.

— Бахтинг оқилверсин, — қўшиб қўйдим мўсафид Янгибўйи.

— Ингитлик одимларинг чакқон, Чиноз полвон, — ҳавас билан сўзларди даврадагилар. — Адларга сув чиқиб, янги ҳаёт, довруннинг омон-фаланча чиқяпти. Ютуларинг кўзингга ларда бўласин, ўндан ҳам каттароқ ютуққа етакловчи йўлчи юлдуз бўлсин!

— Раҳмат! Сиз, яхшиларга эргашаверман. Узиб кетсам, айбга буюрмайсиз...

Пахлавонлар қаҳқаҳаси кўкка урилади. Тўққиз баҳодир саф тортиб, филсифат одим ташлаб, ол байроқни баланд кўтарган ҳолда, республика оқ чўққиси сари дадил борардилар. Улар етиб олгач, ўша улкан оқ чўққи буйига-буйи, энга-эн қўшилди, елкалари яна ҳам керилиди, белига дармон бўлди.

Бу Тошкент номли пахлавон эди.

Пахлавонлар суҳбатини ёзиб олувчи С. МАҲКАМОВ.

ОЛТИН ҚЎЛЛАР!

ТАВСИФИ ДОСТОН

Кафтида битта сиқим оппоқ булут парчаси, Унга доимо очик қўнғилларнинг дарчаси. Ҳаётини ёри толган дур-ғаваҳ заррачаси, Зувончлар хабарини, Толаси тўлиқ толе, мазмунини тисли жаҳон. Тавсифи тарих катта—бир достондан юз достон. Манбан мингта маълум, ангга зукко бўстон. Мана шу пахтамиздур — аслида Ўзбекистон. Эрта тоғ таровати, даладарини марраси, Ер билан сўзлашганда одамларнинг қарраси, Баҳорда баҳра берган сузув сувнинг зарраси, Мана шу пахтамиздур — табиат фаввораси. Кўкларнинг қамолдан токи тоқай кулагача, Қаҳратон қиш совуқдан чиқса, асад — бағача. Қилинган кўп юмушлар оғидан то соғача, Мана шу пахтамиздур — ўн роса ўлагача. Оналар фотиҳаси, оталарнинг дуоси, Қиз-жувоғлар жонига жонон журининг навоси. Центнерни эшитган эр йигитнинг ҳаваси, Мана шу пахтамиздур — фахру гуруру маъноси. Хапирқитган ҳарорат, офтобнинг тушқини, Емгирнинг ёмонлиги, бемаҳал қор қилини, Буларга қарши турган пахтакор пок довруғи, Мана шу пахтамиздур — енгил, зафар байроғи. Фикрлар, маслаҳатлар, янгиликлар нишонини, Ташаббус, изланишлар, тажрибалар оқсонини, Мусобақа муруввати, шоввоқлар шараф-шонини, Мана шу пахтамиздур — заковат қаҳқашонини. Мақтовлар, койиш, таъкид, сабр,

совринли мадад, қишларда суриданган савти сурут. Ҳаракату барокат, жабдача жангу журъат, Пунктлар томон юрган қарқарли зўр каврон, Кундан-кунга осмонга улаётган улкан хирмон. «Зангори кема»ларда ошпаган рекорд, донон, Мана шу пахтамиздур — Ердан ойгача нарвон. Шашқатор колонналар, ол алвонда ширлар, Пахтазорга отланган шаҳарлик мадақдорлар, Ишчилар, студентлар, шифокору шоврлар, Мана шу пахтамиздур — меҳримизга доғдорлар. Раҳбарлар рапортлари, рақамларнинг салмоғи, Маълумот уммонда ҳисоб-ситоб сабоғи, Беш миллионга уланди тоналларнинг саноғи, Мана шу пахтамиздур — қаҳрамонлик чароғи. Буқун байрам — галаба, қилирайдиган минг алов, Ватандошлар қалбига шодликдан ёнар олов. Ҳар ўзбекининг уйда давланлар ёғли налов, Мана шу пахтамиздур — халқимизга чўнғ сийлов. Эндиликда тўй-томоша, янгираб ногора базм, Самонг тутар қўшиқ, қуй, газал, наво, назм, Асқия, қулги, улоқ — кўрингиз қилиб жазм, Мана шу пахтамиздур — пахтакор, сенга таъзим! Толаси тўлиқ толе, мазмунини мисли Тавсифи тарих катта—бир достондан юз достон. Манбан мингта маълум, ангга зукко бўстон. Мана шу пахтамиздур — аслида Ўзбекистон. Раҳим УМАРИЙ.

СТУДЕНТЛАР

ЁРДАМИ

МЕХНАТ Қизил Байроқ ордени Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг студентлари пахта теримда фол иштирок этишлар. Улар Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари пахтазорларида тер тўқидилар. Институтнинг ўқув-тарбия хўжалигида [директори профессор О. Каримов, партия ташкилотининг секретари М. Цой] ҳам пахта йиғим-терими давом этмоқда. Аниққис, қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети студентлари теримда яхши ишладилар. 1-курс студенти Р. Насратиллаевнинг гайратидан ҳамма мамун. У теримга келган биринчи кунёқ 220 килограмм подбор терди, хирмон ишларида кўмак бериб турди. Раҳимон терим суруятини пасайтиргани йўқ. Мусобақадоши К. Султонов ҳам чакки ишламади. Дастлаб, кунига 230, қуй, 240 килограммдан «оқ олтин» теришга эришди. Студентлардан Н. Нишонбоев, Х. Баратов, Ч. Хошимов ва бошқалар илгор теримчилар қаторидан ўрин олишди.

Ж. ХОЛМАТОВ, ТАРИМСХ КПСС тарихи кафедрасининг ўқитувчиси.



Суратда: Саодат ГУЛАХМЕДОВА. Бўка районидаги Ҳамза номли колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Суратда: Исмоил ШУБЛАДЗЕ. Қўйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозининг раиси.

ҲОРМАНГ, АЗАМАТЛАР!

БҮГҮН марду-майдон пахтакорларимизнинг юзи ёруғ. Э-юрт олдига берилган ваъда шараф билан бажарилди. Хар қачонгидан ҳам ноқудай кетган обида шаронларига қарамай, 5 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони бекаму-қўст кўкка бўй чўзди. Биз барча ҳамкасбларимиз номидан серкуш республикамиз пахтакорларини юксак галаба билан муборакбод этар эканммиз, ўзи-

мининг қалбимиз тўрида ҳам зами-шавқ ва гуруралишнинг тўймоқдаммиз. Чунки, биз металлургиянинг ҳам бу улкан ютуқда озми-қўлими ҳиссамиз бор, албатта. Бизнинг мартен печларимизда тобланиб чиқаётган металл муъжизакор мутахассислар қўлида «пўлат этак»ларга айланб, бепоян пахтазорларда жавлон ураётир. Заҳматнаш дехқонларимизнинг оғир меҳнат юқи-

дан ҳолое эгиб, ҳосилдорлигини оширишда уларга ҳақиқий қанот бўлаётир. Ҳа, пахтакорлар ютуғи — бизнинг ютуғимиз. Бизнинг ютуғимиз — пахтакорлар ютуғи. Чунки, бизнинг маънавиятлик меҳнатимиз зами-нида ҳам қишлоқ хўжалигини индустриал асосда қайта қурулантиришдек муҳим ваифа етади.

Биз корхонамиз кудратини йил сайин юксалтириш

билан бирга республикамизда пахтачиликнинг ривожлантиришга қўшаётган ҳиссамиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Санд НУРИДДИНОВ, Асад ЭРГАШЕВ, В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи ишчилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари.

Пахта йигим-терими қизгин бораётган кунларда об-ластимиз даладарига минглаб терим машиналари жавлон урди. Механизаторлар техникани маҳорат билан бошқариб, йигим-теримини тез сурутлар билан олиб бордилар. Бу суратни фото-мухбиримиз А. Абалин шу қизгин кунларда олган.



